Ўзбекистон арабларида миллий ғурур катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Этномаданий ўзликни англашда этник мустаҳкамлаш самарадорлигини таъминлаш миллий ҳис-туйғуларни ва миллий онгни намоён этиш марказлари, деб ишонилади. Шахс этник гуруҳини таърифлашда шаҳар марказларининг ўрни ошди, деб таъкидланади. Шаҳарларда яшаб келаётган араблар этномаданиятида ўз тилини асраб қолишни камдан-кам ҳолларда кузатиш мумкин. Ўзбекистон арабларининг турмуш тарзи ва этномаданий ўзгаришларда руслар томонидан олиб борилган сиёсат уларга ҳам таъсир этганлигини кўришимиз мумкин.

Этномаданият қадриятларини асраш учун оммавий маданиятлар таъсирини камайтириш лозим. Глобаллашув жараёнининг характерли хусусиятларидан бири шундаки, халқаро телекоммуникация тармоғи, интернет орқали маълумотларни узатиш, ундан барча соҳаларда кенг кўламли фойдаланиш йўлларининг таъсири айрим халқлар маданиятининг ўзгаришига олиб келди.

Туркистон ўлкаси аҳолиси ўртасидаги этномаданий ўзликни англашнинг бошқа бир кўриниши ҳақида тадқиқотчи Жон Шоберлайн-Энгел шундай ёзади: «Миллий белгилар бўйича чегараланиш ўтказилгунига қадар минтақа аҳолиси ўз-ўзини англашининг энг муҳим мезони кўчманчи-чорвадорлар ва ўтроқ воҳа аҳолиси ўртасидаги фарқ ҳисобланган» [19] . Бу ўринда тадқиқотчи аҳоли идентиклигининг энг муҳим кўрсаткичи этниклик эмас, балки хўжалик-маданий хусусият бўлганлигини назарда тутган.

Таниқли арабшунос олим С. Л. Волиннинг ёзишича, «Ўрта Осиёда араб қишлоқларнинг қанчалик кенг ёйилганлигини англаш учун минтақага оид ҳар қандай харитага назар ташлашнинг ўзи етарли бўлади. Чунки Ўрта Осиёнинг турли географик минтақаларида «Араб» ёки «Арабхона» номли қишлоқларни учратмаслик амри маҳол» [7]. Айниқса, XX-аср бошларидаги баъзи изланишлар келажакда тадқиқотларда Ўзбекистон ҳудудидаги араблар номи билан боғлиқ жуда кўплаб қишлоқлар вужудга келганлигини кўрсатади. 1900 йилда рус тадқиқотчиси Н. Ф. Ситняковский Зарафшон воҳасидаги аҳоли манзилларини номларини рўйхатга олиб чиққан. Унинг «рўйхати» да 2800 дан ортиқ қишлоқ номлари қайд этилган. Мазкур 2800 қишлоқнинг 78 таси Араб номи билан боғлиқ бўлган қишлоқлардир. Масалан, «Араб» деб аталувчи қишлоқлар 12 та, «Араблар» 4 та, «Арабон» 14 та, «Арабхона» 40 та, шунингдек Арабтепа, Қўлдошараб, Милкиараб, Чилонғу араб каби номлар ҳам шу рўйхатда келтирилган [10].

Арабхона Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларида учрайдиган қишлоқлар. "Араблар яшайдиган жой" [11]. Бухоро вилоятида рўйхатга олинган топонимлар 3000 дан ортиқ бўлиб, ана шу аҳоли манзилларининг 1/3 қисми 7 этнотопонимлардир. Жумладан, биз тадқиқ қилган араб этноси билан боғлиқ Араб, Араба, Арабобод, Арабон, Арабқишлоқ, Араблар, Арабхона, Арабча сўзлардан ном олган қишлоқлар сони 72 ни ташкил қилади [12].

Таниқли топономист олим Тўра Нафасов Қашқадарё воҳасида жойлашган араб қишлоқлар сони 21 та эканлигини аниқлаган. Жумладан, Арабовул, Араббон,Араббондарвоза,Арабсой,Арабтўда,Арабхона кабилардир. Арабхона Қарши Косон Шаҳрисабз Китоб туман ва шаҳар қишлоқ гузар. Араблар қишлоғи, хона – жой қўрғон, овул, қишлоқ, Арабовул Нишон тумани гузар араб этник гуруҳга мансуб кишилар яшаган овул (гузар) дегандир [14].

Ҳозирга вақтга келиб араблар ўз тил ва миллий кийимини жадал тарзда унитмоқда. Натижада араб ёшларнинг бир неча асрлардан бери давом этиб келаётган араб тилининг унитилиши араб миллий урф-одатларини, миллий ўзликни англашга бўлган эътиборни йўқолишига сабаб бўлмоқда. Информаторларнинг таъкидлашича, кекса ёшли кишилар орасида миллий ўзликни англаш кучлироқ бўлганлиги сабабли араб миллий маданиятининг таъсири йўқолиб кетишидан хавотирланиб гапиришади. Жумладан, Қашқадарё, Бухоро вилоятиларига қарашли Жейнов, Жугари, Чаҳдари Арабхона каби қишлоқларда аҳолининг бир неча фоиз ўз она тилини сақлаб қолган. Аммо уларнинг бугунги кунга келиб ўзи она тили араб тилини унитилиши натижасида ўзбек ва тожик тилида кўпроқ мулоқат қилишади.

Ўзбекистон арабларининг миллий ўзлигини англаш хисси анъанавий миллий либосларида сақланиб қолган. XX асрнинг 80 йилларда тадқиқот ишларни олиб борган. Олим Ҳ.Исмоилов арабларнинг моддий маданиятини тадқиқ этиб уларнинг ўзига хос локал жиҳатларини таҳлил этган. Чунки бирор бир олим томонидан Ҳ.Исмоилов каби арабларнинг миллий кийим кечакларини ўзига хос хусусиятлари таҳлил эта олмаган. Олимнинг таъкидлашича, кекса эркаклар – "наббат" ёки "жадди", кекса аёллар – бувилар "набба" ёки "жудо", ўрта ёшли эркаклар "сабайин", болалик аёллар – "кадаса", ёш йигитлар – "рузъон", қизлар – "бинад", "бинт" киядилар [15]. Ўзбекистон араблар-

ни миллий либослари ҳозирги вақтига келиб унутилмоқда, шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоиз бўлса керак. Бошқа халқларда учрамайдиган бир жиҳат яъни араб ёшлари кексайган сари миллий кийимларни кийишади. Бу ҳам арабларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Андхуй маҳалласида яшовчи хотин-қизлари миллий либосни ёқтиришади. Миллий либос уларга ярашади. Тақинчоқ ва бошга кийиладиган буюмлардаги айричалик шундаки, улар қадимда ижод этилганлиги билан ажралиб туради. Аёлларнинг бошида бўхнак бўлади. Бўхнак гиззи-оқ лачак устидан кийилади. Бўхнакнинг ҳилолсимон гўшаси салқи тақиб юрилган [8]. Икки яноқда эса жажжи кулчадек қилиб юмалоқланган куррак қўйилган. Куррак қора қўзининг биринчи қирқим жунидан тайёрланган. Сўнг катмола деб аталувчи безаклар бош либосига зеб беради. Катмола нуқул олтиндан ишланган бўлади.

Ўзбек ва араблар ўртасида аралаш никоҳлар аста-секин кўпайиб борди. Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб эса аралаш никоҳлар одатий ҳолга айланиб қолди. Умуман, этник жараёнларда аралаш никоҳларнинг роли катта, зеро, ўзга этносга қавм элементларини олиб киришда фақат никоҳгина энг қулай йўллардан ҳисобланади [4].

Жумладан, Бромлей фикрига кўра, этномаданий ўзликни англашда аралаш никоҳ миллатлараро алоқаларни келтириб чиқаради. Тадқиқотларимизни Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудда жойлашган Миришкор туманига қарашли Жейнов қишлоғи ва Самарқанд вилоятига қарашли Пасторғом туманидаги Арабхона қишлоғи билан анкета сўровномаси ўтказдек, унда этномаданий ўзликни англаш жараёнида никоҳнинг ўрни билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни таҳлил этдек. Яъни аҳолининг 46 фоизи ўзларининг араб миллатига мансуб аёллар билан турмуш қурганликларини таъкидлашди. «Сизнинг ота-онангиз қайси миллатга мансуб?» деган саволга, қўйидагича жавоб беришди, респондентларни 46 фоизи «ҳар иккаласи ҳам араб миллатига мансуб» деб таъкидлашди. «Отам ўзбек, онам бошқа миллат вакили» деб жавоб берганлар 49 фоизни ташкил этади. Уларнинг 5 фоизи «онам араб, отам бошқа миллат вакили» деб таъкидлашган.

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, йиллар ўтиши натижасида Ўзбекистон арабларининг ўзига хос этномаданий ўзлиги турли ўзгаришларга учраган. Олимларнинг фикрича, мазкур ҳодиса организмнинг ички муҳити, генетик дастури билан боғлиқдир. Турли миллатга мансуб кишиларнинг никоҳ қуриб, аралашиб кетиши наслнинг бақувват ва кўркам бўлишини таъминлайди.

Респондентлар «Миллатлараро никоҳга қандай қарайсиз?» деган саволига арабларнинг асосий қисми миллатлараро никоҳни қўллаб-қувватлашларини таъкидлашди. Аммо улар орасида наслни тоза сақлаш ва келажакда араб миллати номини асраб қолиш лозим деб ҳисобловчи респондентларни ҳам кузатиш мумкин. Бироқ, йиллар ўтиши натижасида араблар этномаданий идентикликка учради. Айрим араблар ўзига хос моддий ва маънавий маданият, урф-одат ва анъанавий маросимларини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратишларини таъкидлашди. Ахборотчиларнинг 48 фоизи сўровномада миллатлараро никоҳни «қўллайман», 17 фоизи «қўлламайман», 35 фоизи «бетарафман» деб белгилашган. Ўзбекистон арабларининг асосий қисми турли миллат вакилидан бўлса-да, ҳозирги кунда уйланиш ва турмушга чиқиш ўринли эканлигини эътироф этишади. Яъни ҳеч ким динига ёки миллатига кўра ажратилмаган.




***Миллатлараро никоҳга қандай қарайсиз?***

Юқорида номи қайд этилган туманларда араб ва рус миллатига мансуб эр-хотинлик ҳам мавжуд. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, «Сизнинг қайлиғингиз қайси миллат вакили?» деган саволга 2 фоиз респондент рус миллати вакилига уйланганлигини, «ўзбек» миллати вакилларининг 54 фоизи, арабларнинг 14 фоизи тожик миллати вакиллари билан турмуш қуришганлигини, 30 фоизи араб миллати вакиллари билан турмуш қурганлигини таъкидлашди.

Ўтказилган сўровномалар натижасида қўйидагича хулоса қилиш мумкин. Арабларнинг катта қисми бугунги кунда ўзбек, тожик, туркман, рус ва бошқа миллат вакиллари билан оила қуришади.

Умуман олганда этномаданий ўзликни англашга доир илмий-назарий ва методологик қарашлар таҳлили шуни кўрсатдики, этномаданий идентикликни тадқиқ этишда араб халқининг этник тарихи, этник хусусиятлари, маданий алоқаларини ва тил, урф-одат ҳамда анъанавий маросимларига эътибор қаратиш лозим. Этномаданий ўзликни англашда ички ва ташқи таъсир алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Хулосалар**

1. Ўзбекистон арабларининг этномаданий идентиклик (этник ўзликни англаш) ҳисси ҳозирги кунимизгача сақланиб қолган. Совет тузими даврида олиб борилган сиёсий мафкуранинг таъсири натижасида арабларда миллий ўзликни англаш ҳисси йўқолишига олиб келган бўлса-да, мустақиллик йилларда араблар урф-одат ва анъанавий маросимларини сақлаб қолишга катта эътибор берилмоқда. Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тарихан қисқа давр ичида араб оиласи ижтимоий моддий ва маънавий ҳаётида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

2. Ўзбекистонда яшаб келаётган арабларнинг миллий ўзликни англаш жараёни арабча номдаги




ISSN 2181-7812

кийим-кечак, ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда айрим арабча сўзлар ва ибораларда сақланиб қолган.

3. Ўзбекистон арабларининг этномаданий ўзликгини англаш билан боғлиқ минтақавий ва этник анъаналар бошқа халқлардан айрим локал хусусиятлари билан фарқланиб турган.

**Адабиётлар**


1. Александренков Э.Г. «Этническое самосознание» или «этническая идентичность» // ЭО. 1996. № 3. С. 21.
2. Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности. Трактат по социологии знания. – М., 1995. – С. 279 – 281.
3. Бердяев Н.А Самапознание (опыт философской автобиографии). М. Международные отношения. 1999. С. 297.
4. Бромлей Ю. В. Этнос и эндогамия // СЭ. – 1969. – № 6. – С. 87.
5. Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. М., 1983. С. 57-58
6. Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. М., 1983. С. 206.
7. Волин С.Л. К истории среднеазиатских арабов. Труды Института востоковедения АН СССР. Вып. 36. М.-Л., 1941. - С. 114.
8. Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти. Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. 2011. йил.
9. Джарылгасинова Р.Ш. Теория этнического самосознания в советской этнографической науке (основные аспекты проблемы) // СЭ. 1987. № IV. С. 9–22.
10. Қараев С. Этнонимика. - Т., 1979. - С. 12-13.
11. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлар топонимлари. Т., Ўзбекистон миллий энсиклопедияси. 2005. Б. 84.
12. Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт. Т.: Akademiya. 2013. Б. 20-21.
13. Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт. Т.: Akademiya. 2013. Б. 20.
14. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати, Т., Ўқитувчи. 1988. Б. 14-15.
15. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. Т.: Шарқ,
16. Саидов М., Равшонов П. Жейнов тарихи. Т., Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1996. Б. 32.
17. Семенов А.А. К проблеме национального размежевания Средней Азии. Ташкент,1924. Стр. 6.
18. Шоберлайн–Энгел Д. Перспективы становления национального самосознания узбеков // Восток. 1997. – № 3. – С. 55.
19. Янес М. А. К вопросу об оценке национального самосознания арабского население Узбекистана (результат этносоциологического анкетирования) Т. 2007. г. Кушнер П.И. (Кнышев). Национальное самосознание как этнический определитель // КСИЭ. М.; Л., 1949. VIII. С. 3.

# САБИРОВА РИХСИ АБДУҚОДИРОВНА

Сабирова Рихси Абдуқодировна биологик кимё соҳасида таниқли олима ва фан ташкилотчиси, юқори малакали педагог ва илмий раҳбар, тиббиёт фанлари доктори, профессор.



У 1948 йил 1 август куни Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Ўрта мактабни битириб, 1966 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетига ўқишга кирди. 1972 йилда институтни тугатиб биокимё кафедрасида тадқиқотчи-изланувчи сифатида илмий-педагогик фаолиятини бошлади. 1982 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади ва кафедра доценти бўлиб ўз фаолиятини давом эттирди. У 1994 йилда “Характеристика состояния структуры и функции мембранной системы при экспериментальных патологиях поджелудочной железы и пути патогенетической коррекции” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Фан доктори бўлган олима 1994-1997 йиллар давомида кафедра профессори, 2002-2014 йилларда кафедра мудири сифатида ўз илмий ва педагогик салохиятини тўла-тўкис амалда тасдиқлади. Шу сабабли ҳам у 2006 йилда янги ташкил қилинган Тошкент тиббиёт академиясининг (ТТА) биокимё кафедраси мудири этиб тайинланиб, илмий-педагогик ва илмий-ташкилотчилик фаолиятини янада кенг кўламда олиб борди.

Р.А.Сабированинг илмий фаолияти турли патологик ҳолатларда, айниқса қандли диабет касаллигида, организм мембрана қурилмаларининг структур-функционал ўзгаришларининг ўзига хос томонларини аниқлаш, ҳамда оксидант ва антиоксидант тизимларини тадқиқ қилишга бағишланган. Олима бу долзарб ва ўта мураккаб соҳада ўзига хос илмий мактаб яратиб, 6та фан номзоди, 1 та фан доктори ва кўплаб магистрлар тайёрлади. Ҳозирда 2 та докторлик диссертациялари якунланиш арафасида. Рихси Абдуқодировна ўз изланиш натижаларини 2та монографияда умумлаштириб, тиббиёт институтларининг талабалари учун 3 та дарслик нашр қилди. Бундан ташқари у 200 га яқин илмий ишларнинг, шу жумладан 20 дан ортиқ ўқув ва ўқув-услубий қўлланмаларининг, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг патентлари билан мухофаза қилинган 7 та иҳтиролар муаллифи ва қатор халқаро илмий-амалий анжуманларнинг қатнашчисидир. Сабирова Р.А. 1997-2002 йиллар давомида ТТА илмий Кенгашининг илмий котибаси лавозимида кенг кўламда илмий-ташкилотчилик ва жамоат ишларини ҳам олиб борди. 6 йил давомида Ўзбекистон Республикаси ОАКида тиббий-биологик фанлар бўйича эксперт ҳайати раиси вазифасини бажарди.

Профессор Сабирова Р.А. қарийиб 10 йил давомида биокимё ва кимё фанлари бўйича монотематик комиссияга раислик қилди. Бу фанларни республика бўйича тиббиёт олийгоҳларида ўқитишда мувофиққлаштиришга ўз ҳиссасини қўшди. Маъруза ва амалий машғулотларни олиб боришда мультимедиянинг самараси ва интерфаол усулларнинг ролини оширди.

Ҳозирги кунда Р.А.Сабирова ТТА тиббий ва биологик кимё кафедраси профессори сифатида самарали педагогик ва илмий рахбарлик фаолиятини олиб бормоқда. Унинг ташаббуси ва саъйи-ҳаракати билан биологик кимёдан электрон дарслик ва маърузалар электрон шакли яратилди. Кафедрада талабаларга ўқитиладиган фанлар бўйича маърузалар мультимедияларда намойиш этилиб, барча профессор ва доцентлар томонидан унифицирланган ҳолда ўқилади. Рихси Абдуқодировна “Тиббий биокимё” мутахассислиги бўйича магистратурага ҳам маъсул бўлиб, Олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар, ҳамда соғлиқни сақлаш амалиёти учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда фаол қатнашиб келаяпти. У тиббий-биологик фанлар бўйича илмий семинар, муаммолар хайатининг раиси ва “ТТА Ахборотномаси” таҳририят хайъати аъзосидир.

*Тиббий ва биологик кимё кафедраси жамоаси ҳамда Тошкент тиббиёт академияси маъмурияти Сабирова Рихси Абдуқодировнани таваллуд айёмлари билан табриклаб, уларга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик тилайдилар!*

 ISSN2181-7812 

## МУАЛЛИФЛАР УЧУН МАЪЛУМОТ

# Мақолалар фақат юқорида кўрсатилган қоидаларга қатъий риоя қилинган ҳолда қабул қилинади!!

# Қўлёзмани тайёрлаш қоидалари

Мақола қўлёзмаси ўзбек ёки рус тилида, икки нусхада, дискети, ўзбек ёки рус тилларида эксперт хулосаси, юбораётган муассасанинг илова хати ва ўзбек, рус, инглиз тилида реферат (10 ва 15 қатордан ортиқ бўлмаслиги керак).

Қўлёзма фақат компютерда «Word.» дастурида ёзилиши керак ва аниқ ҳарфлар билан, ўлчамлари бир томонда 14 ҳажмда (форматА4) ва майдонлар билан бир ярим оралиқда босилган бўлиши керак. Мақола ҳажми ҳар бир бўлим учун белгиланган ҳажмдан ошмаслиги лозим.

Мақоланинг тузилиши:

Кириш қисми;

Тадқиқот усуллари;

Тадқиқот натижалари;

Муҳокамаси;

Хулосалар;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини библиографик қоидаларга мувофиқ тузиш.

Материалларни аниқ, қисқа ва лўнда, узун кириш сўзисиз ифодалаш зарур, матнда қайтариқлар, жадвал ва расмларнинг такрорланиши мумкин эмас.

Ҳар бир мақолада қуйидагилар бўлиши керак:

УДК шифри;

Мақоланинг тўлиқ номи;

Муаллифларнинг илмий даражаси ва унвони, исми насаби;

Иш бажарилган муассасанинг номи;

Муаллифнинг почта манзили ва телефон рақами;

Илмий иш раҳбарининг чоп этиш учун берган рухсатномаси, мақола матни пастки қисмида эса барча муаллифларнинг имзоси бўлиши шарт.

Матнда ажратилиб бериладиган сўзларнинг пастки қисми муаллиф томонидан чизиб кўрсатилиши керак. Махсус ҳарфлар ва рамзлар (масалан, грек алифбосидаги ҳарфлар) ни, шунингдек, расм ва жадвалларга бериладиган ҳаволаларни матнда биринчи бор эслатилгандаёқ ёзув қоғозининг чап ҳошиясига ёзилади.

Ўлчов бирликларини Халқаро тизим (СИ), да ифодаланиши керак, зарурат бўлганда, бошқа тизимлардаги СИ ўлчов бирлигидан кейин қавс ичида кўрсатилиши мумкин.

Аннотациялар ўзбек, рус, инглиз тилларида бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини библиографик қоидаларга қатъий риоя этган ҳолда амалга ошириш керак.

Барча иллюстрациялар (чизмалар, диаграммалар, суръатлар) CPT, BMP, CDR, JPG,TIF форматида сақланган алоҳида файлда бўлиши керак. Ҳар бир расмнинг орқасида «усти», расмнинг тартиб рақами, биринчи муаллифнинг исми ва мақола номи кўрсатилади. Расмлар матнда берилиши тартиби бўйича рақамланиши керак. Расмларга берилган изоҳлар, расмнинг тартиб рақами кўрсатилган ҳолда алоҳида қоғозга босилади.

Микрофотографияларга бериладиган изоҳларга эса окуляр ёки объективни катталаштириш тартиби кўрсатилиши керак.

VII. Жадвалларни бериш тартиби.

Ҳар бир жадвални алоҳида қоғозга, икки интервалда босилиб, унинг номи, зарур ҳолларда қаторнинг тегида изоҳлари берилиши лозим. Жадвалларда фақат тегишли зарур маълумотлар акс этиш ва тадқиқот материаллари статистик жаҳатдан умумлаштирилган бўлиши шарт.

VIII. Формулаларни бериш тартиби. Формулаларда қуйидагиларни белгилаш керак:

- кичик ва катта ҳарфларни (катта ҳарфларни пастки икки чизиқ билан кўрсатилади ва кичик ҳарфларни устидан иккита чизиқча чизиб белгиланади);
- лотин, юнонча ҳарфларни (лотин ҳарфларни қизил рангда, юнон ҳарфларини эса кўк рангда доира ичига олинади);
- қатор усти ва қатор тегидаги ҳарфлар ва рақамларни ажратиб белгиланади.

IX. Фойдаланилган адабиётларни бериш тартиби .

Адабиётлар рўйхати охирги 5 йил ичида нашр этилган бўлиши, сони 10 тадан ортмаслиги керак (тадқиқот мақолалари бундан мустасно). Матнда ҳаволалар адабиётларнинг рўйхатдаги тартиб рақами бўйича қавсда берилади. Мақола матнининг охирида, биринчи муаллиф фамилиясига кўра алифбо тартибида берилади. Агар бир муаллифнинг бир неча асари берилаётган бўлса, уни хронологик тартибида жойлаштирилади. Мақолалар, китоблар ва журналларнинг нашрлари улар нашр этилган тилда берилади. Қабул қилинган мақоланинг тилига таржима қилинмайди!!!

X. Рўйхатга қуйидагилар киради: китоблар орқали – муллиф (лар) нинг исми ва фамилияси, китобнинг тўлиқ номи, нашр жойи ва йили; журналларда, илмий асарлар тўпламларида: муаллифнинг фамилияси ва исми, мақола номи, журнал ёки тўплам номи, журналнинг рақами, саҳифа рақами – тўлиқлигича. Рўйхатга диссертация ва авторефератлар кирмайди.

Рўйхатни муаллиф томонидан диққат билан тасдиқлаш керак.

XI. Бошқа нашрларга юборилган ёки чоп этилган мақолаларни нашриётда қабул қилиниши мумкин эмас.

XII. Қоидаларга кўра тайёрланмаган мақолалар эътиборга олинмайди.

## К СВЕДЕНИЮ АВТОРОВ

# Статьи принимаются только оформленные в строгом соответствии с приведенными правилами!

***ПРАВИЛА ОФОРМЛЕНИЯ РУКОПИСЕЙ***

I. Рукопись статьи представляется в двух экземплярах с электроной версией, на узбекском или русском языках с экспертным заключением, сопроводительным письмом направляющего учреждения и рефератом (не менее 10 и не более 15 строк) на узбекском, русском и английском языках.

II. Рукопись должна быть набрана только на компьютере в программе «Word.» и распечатана четким шрифтом , размером 14 на одной стороне листа (форматА4) через полтора интервала с полями. Объем статьи не должен превышать указанного в каждой конкретной рубрике.

III. Структура статьи:

- вводная часть;
- методы исследований;
- результаты исследований;
- обсуждение;
- выводы;
- список использованной литературы, составленный в соответствии с библиографическими правилами.

Изложение материала должно быть ясное, сжатое, без длинных введений, повторений и дублирования в тексте таблиц и рисунков.

IV. Каждая статья должна содержать:

1) шифр УДК;

2) полное название статьи; на русском, узбекском и на английском языках

3) ученую степень, научное звание, инициалы и фамилии авторов;

4) название учреждения, в котором выполнена работа, с указанием инициалов и фамилии научного руководителя;

5) почтовый электронный адрес и телефоны автора, с кем следует вести редакционную работу.

6) визу руководителя работы или учреждения на право ее опубликования, а в конце статьи – подписи всех авторов.

7) слова, которые, по мнению автора должны быть выделены, подчеркиваются им в тексте. Специальные буквенные шрифты и символы (например, буквы греческого алфавита), а также ссылки на рисунки и таблицы выносятся на левое поле при первом их упоминании.

8) Единицы измерения должны быть выражены в единицах Международной системы (СИ), при необходимости в скобках после единицы измерения СИ может быть указана размерность в других системах.

9) обязательным должны быть аннотации на русском, узбекском и на английском языках

V. Список использованной литературы должен быть оформлен в строгом соответствии с правилами библиографического описания.

VI. Оформление иллюстраций.Все иллюстрации (рисунки, схемы, фотографии) должны быть в отдельном файле, сохраненныевформатеCPT,BMP,CDR,JPG,TIF.Наоборотекаждойиллюстрацииуказывается«верх»,номеррисунка,фамилия первого автора и название статьи. Иллюстрации должны быть пронумерованы согласно порядку их следования в тексте.

Подписи к рисункам печатаются на отдельном листе с указанием номера рисунка. В подписях к микрофотографиям указывается увеличение окуляра и объектива.

VII. Оформление таблиц. Каждая таблица печатается на отдельной странице через два интервала, должна иметь название и, при необходимости, подстрочные примечания. Таблицы должны содержать только необходимые данные и представлять собой обобщенные и статистически обработанные материалы исследования.

VIII. Оформление формул. В формулах необходимо размечать:

- строчные и прописные буквы (прописные обозначаются двумя черточками снизу, а строчные – двумя черточками сверху);
- латинские и греческие буквы (латинские обводятся красным, а греческие – синим цветом);
- подстрочные и надстрочные буквы и цифры.

IX. Оформление литературы. В библиографический список вносится не более 10 работ(за исключением обзорных статей), опубликованных за последние 5 лет. На все работы, включенные в библиографический список, в тексте обязательно приводятся ссылки в квадратных скобках!!!. Список литературы составляется в соответствии с ГОСТом «Библиографическое описание документа» и помещается в конце статьи. Библиография составляется строго в алфавитном порядке по фамилии первого автора и в хронологическом, если приводится несколько публикаций одного и того же автора. Названия статей и книг и журналов приводятся на том языке, на котором они были изданы. Перевод на язык представляемой статьи не допускается!!!

X. В списке должны быть приведены: по книгам – фамилия автора (ов) и его инициалы, полное название книги, место и год издания; по журналам, сборникам научных трудов: фамилия автора и его инициалы, название статьи, название журнала или сборника, номер журнала, номер страницы – от и до. В список не включаются диссертации и авторефераты к ним.

Список должен быть тщательно выверен автором.

XI. Направление в редакцию работ уже посланных в другие издания или ранее опубликованных, недопустимо.

XII. Статьи, оформленные не по правилам не рассматриваются.